

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
21.07.2005 й.
N 164**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
"ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТҮҒРИСИДА" 2005 ЙИЛ 19 ИЮЛДАГИ
ПФ-3629-СОН ФАРМОНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш түғрисида" 2005 йил 19 июлдаги ПФ-3629-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шавкат Иброҳимович Каримов Тошкент тиббиёт академиясининг ректори этиб тайинлансан.

2. Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаш бўйича иловага мувофиқ таркибда Комиссия тузилсан.

3. Комиссия (Ф.Ф. Назиров) бир ҳафта муддатда қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан, унда:

Академиянинг республикадаги юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлайдиган етакчи ўқув муассасаси сифатида Академияга юклangan функциялар амалга оширилишини таъминлайдиган янги ташкилий тузилмасини шакллантиришга;

сақлаб колинадиган бешта факультетларнинг тузилмасини шакллантиришга, кафедраларни факультетлар бўйича тақсимлашга, аъзолари кам сонли бўлган кафедралар тузилишига, уларнинг бир-бирини такрорлаши ва параллел мавжуд бўлишига йўл қўймаган ҳолда кафедралар сони, тузилмаси ва номларини белгилашга;

тутатилаётган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтларининг бинолари, иншоотлари, бошқа мол-мулки ва активларини Академия балансига ўтказиш масалаларини ҳал этишга, факультетларни жойлаштиришга ҳамда Академиянинг моддий-техника ва ўқув базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилсан.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. Мирзиёев

**Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 21 июлдаги
164-сон қарорига**

**Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш ва унинг
фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан
Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойихасини
тайёрлаш бўйича Комиссия
ТАРКИБИ**

- | | | |
|---------------|---|--|
| Назиров Ф.Ф. | - | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, комиссия раиси |
| Ворисов А.К. | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринbosари (келишув бўйича) |
| Зиёев М.Қ. | - | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринbosари |
| Шаропов Н.Ў. | - | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринbosари |
| Кўчкоров Ж.А. | - | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринbosари |
| Болкунов В.Ф. | - | Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси |
| Усмонов Р.Ж. | - | Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринbosари |
| Каримов Ш.И. | - | Тошкент тиббиёт академияси ректори |

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 28-29-сон, 211-модда.